

2023 йилнинг ўтган 9 ойида вазирлик ва унинг тизим ташкилотларига жами **299 439 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **156 503 таси** (2022 йилда **221 083 та**) – тўғридан-тўғри (бевосита), **142 936 таси** (2022 йилда **58 460 та**) эса **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси** орқали келиб тушган.

Мурожаатларнинг **139 548 таси** (46 фоизи) ижобий ҳал этилди

131 668 тасига (44 фоизи) тушунтириш берилди, **877 таси** (0,3 фоизи) кўрмасдан қолдирилди, **2 699 таси** (1 фоизи) тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилди, **2 995 таси** (1 фоизи) рад этилган, **514 та** (0,3 фоизи) мурожаатни кўриб чиқиш тугатилди. Шунингдек,

21 138 та (6,4 фоизи) мурожаат тегишлилиги бўйича вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари томонидан кўриб чиқилмоқда.

Ҳисобот даврида мурожаатларини кўриб чиқишида хато ва камчиликлар ҳамда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган **154 нафар** (2022 йилда

185 нафар) масъул ходимларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўрилди. Шундан, **127 нафар** ходимга хайфсан эълон қилинди, **10 нафар** ходимнинг ойлик иш ҳақига нисбатан жарима қўлланилди, **14 нафар** ходим билан тузилган мехнат шартномаси бекор қилинди ҳамда **3 нафар** ходим маъмурӣ жавобгарликка тортилди.